*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**13 декабрь**
ШАНБА
**№ 101** (12737)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят кенгаши сессияси

## КУН ТАРТИБИДА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

**Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.**

**Унда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик котибият ва гуруҳлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, бошқарма ва ташкилотлар, сиёсий партия гуруҳларининг вилоят бўлими раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари, тиббиёт бирлашмалари, молия, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

**Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов бошқарди.**

Сессияда вилоят маҳаллий бюджетининг 2013 йил ижроси ҳамда 2014 йил кутилаётган ижросини тасдиқлаш ҳамда вилоятнинг 2015 йилги маҳаллий бюджети тўғрисида, иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш дастури, шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш масалалари тўғрисидаги ҳисоботлар тингланди ва атрофлича муҳокама этилди.

Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК!

**Республика Президентининг "Мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида бу йил Бекобод, Олмалиқ шаҳарлари ва Бўстонлиқ, Оҳангарон туманларида ёш оилаларга янги уйларни топшириш режалаштирилган.**





Вилоят ҳокимлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида Ангрен шаҳрида "Камолот уйлари"ни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда ҳамкор ташкилотлар вакиллари, "Камолот" фаоллари, уй эгалари иштирок этишди.

Эътиборлиси, ушбу уйларда табиий газ, иссиқ ва совуқ сув, телефон алоқаси, электр энергияси таъминоти йўлга қўйилган. Хуллас, ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари асосида берилаётган "Камолот уйлари"да барча шарт-шароит муҳайё.

– Юртимиздаги барча ёшларга, шулар қаторида набираларимга истиқлол шарофати билан шундай имкониятлар яратилаётганидан мамнунман, – дейди Равшаной Ёқубова. – Илоҳим, шу уйда болаларим ўзларидан кўпайиб, бахтли яшашсин.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**





**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёргарлик жараёнида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти қизғин давом этмоқда.**

## САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ – СИЁСИЙ ЖАРАЁН

Мухбиримизнинг вилоят сайлов комиссияси аъзоси Зиёдулла Ғуломов билан суҳбати сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар ва уларнинг сайловолди дастурлари, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этиш тартиблари хусусида кечди.

**– Жойларда депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Айтингчи, бу сиёсий жараённинг тартиб-қоидалари қандай?**

– Сайлов қонунчилигига мувофиқ, сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодларни Марказий сайлов комиссияси ва унинг ҳудудлардаги комиссиялари рўйхатга олган кундан бошланади. Сайловолди ташвиқоти омма билан мунозара ва баҳс, матбуот анжумани, интервью, сўзга чиқиш, сайловчилар йиғилиши, депутатликка номзод ва сиёсий партия тўғрисида ролик жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин. Шунингдек, телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, интернет, жаҳон ахборот тармоғи) орқали, босма, кўргазмали, аудивизуал ва бошқа ташвиқот материаллари, плакат ва варақалар чиқариб, тарқатилади ҳамда сайловчилар билан учрашувлар ўтказилади.

Сайловчилар билан учрашувни депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар мустақил ўтказади. Жойи ва вақти, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади ва комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот олишда ёрдам кўрсатади.

Депутатликка номзод ва сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси белгилайдиган тартибда тенг ҳуқуқ берилади.

**– Ташвиқот даврида сиёсий партия ва депутатликка номзодларнинг қандай хатти-ҳаракатлари тақиқланади?**

– Сайловга бир кун қолганда ва овоз бериш куни сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.

Сайловолди ташвиқотида сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул тўлаш тақиқланади.

Шу билан бирга, ҳақиқатга тўғри келмайдиган, депутатликка номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш ман этилади.

**– Табиийки, айримлар сиёсий партия ва депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари ташвиқотида иштирок этолмаслиги мумкин...**

– Сайлов ёшига эндигина қадам қўйганларнинг ташвиқот тадбирлари, номзодлар билан учрашувларда иштирок этиш имконияти таълим олиш ёки қўшимча юмушлар билан бандлиги боис чегараланиши мумкин. Бундай вақтда ёшлар сиёсий партиялардан депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида, хусусан, телевидение, радио ва газеталарда чиқишларини кузатиб боришлари лозим. Шунингдек, интернет тармоғи, белгиланган жойларда жамоатчилик учун қўйилган плакатлар орқали депутатликка номзодлар, уларнинг сайловолди дастурлари билан бевосита танишишлари мумкин.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.**

Мунособат

## ҚАЛБ КЎЗИМ ДОИМ ОЧИҚ

**Мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси кескин ўзгарди. Аҳолининг турмуши яхшиланди. Фарзандларимиз энг замонавий ўқув муассасаларида таълим-тарбия олиш бахтига эришдилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йилга алоҳида ном берилиши ва шу асосида режали ишлар амалга оширилиши туфайли шундай дориламон кунлар насиб этди.**

– Президентимиз "...мен кириб келаётган 2015 йилни мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилишни таклиф этаман" деганларида кўзимга ёш келди, – дейди 108 ёшли зангиоталик Маҳбуба момо Ҳамидова. – Бу қувонч ва масрурлик ёшлари эди, болам. Ўн йил бўлди, кўзларим ожиз. Аммо, юртимиздаги ўзгаришларни қалб кўзим билан кўраман, ҳис қиламан. Ахир, не-не оғир кунларни кўрмадик. Лекин бугунги дориламон кунларда ўтмишни эслашни хоҳламайман. Доим юртимиз тинч, ҳаётимиз осуда бўлсин. Ҳамиша озод ва обод Ватанда яшайлик.



**Илмира МАҚСУДОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

## ЭЪЗОЗ УЧУН ТАШАККУР

**Яратганга шукр, кексалик даврим истиқлолнинг нурафшон кунларида кечмоқда. Соғлом бола йили поёнида яна бир хушхабарни эшитиб бошим осмонга етди. Келаётган йил "Кексаларни эъзозлаш йили" дея аталибди.**

Аслида, каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш азалий қадриятларимиздан. Ўзбекона юксак маънавиятимизнинг бетакрорлигини ҳис этиш қандай ҳузурли. Истиқлолимиз шарофати билан беқиёс, бетакрор инсоний фазилатларимиз юзага чиқа бошлади, қадри сезилди. Чунки, илгарилари дунёни кўриш, солиштириш имкониятидан маҳрум эдик.

– Ўқиш учун чет элга кетган ўғлим мени битирув кечасига таклиф этди, – дейди қўшним Қумринисо. – Борганимизда кўпчилик келиб бўлган экан, деярли барчаси ёшлар. Лекин ҳеч ким ўрнидан туриб, юқорига ўтинг демади. Хафа бўлмадим, уларнинг тарбияси бошқача. Бизда энг аввал ёши катталарга эътибор берилади.

Демак, миллий, маънавий қадриятларимиз қадр топган, болажонлару кексалар ардоқланаётган, ёшлари юксак маънавият руҳида тарбияланаётган мустақил Ўзбекистонни, азиз Ватанимизни севиш керак. Мамлакатимиз раҳбарининг инсонни улуғлашдек оқилона сиёсатини қўллашимиз, дориламон кунларимизга шукр қилиб яшашимиз даркор. Зеро, кексалари эъзозда, ёшлари иззатда, она-болалари мустаҳкам ҳимояда бўлган эл ҳамиша гуллаб-яшнайверади!

**Адҳам НУРМАТОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

Тадбир

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури доимий вакили Стефан Приснер ҳамда Британиянинг Ўзбекистондаги элчиси Жорж Эдгар вилоят ҳокимлигида бўлишиб, янги ташкил этилган ахборот хизмати фаолияти билан танишдилар.**

## ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН МУЛОҚОТ



Тадбирда таъкидланганидек, ахборот хизмати бу йил БМТ Тараққиёт дастурининг "Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш 2-босқич" лойиҳасининг Наманган ва Жиззах вилоятларида синовдан ўтган натижалари асосида вилоят, Бекобод ва Олмалиқ шаҳарлари ҳамда Бўстонлиқ ва Қибрай туманлари ҳокимликларида ташкил этилди. Маҳаллий ҳукумат органлари фаолиятини яхшилаш ва ошкоралигини таъминлаш, аҳолини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига тегишли маълумотлар билан таништириш, шу орқали бошқарувда фуқароларнинг иштирокини кучайтиришни мақсад қилган мазкур хизматнинг самарали фаолият юритиши учун барча шароитлар яратилди. Хусусан, ахборот хизматининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ходимларга "Жамоатчилик билан самарали мулоқот" қўлланмаси тарқатилиб, ўқув курслари ташкил этилди. Шунингдек, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ходимлари, маҳаллий кенгаш депутатлари, хусусий сектор ва фуқаролик жамиятлари вакиллари иштирокида қатор конференция, очиқ мулоқот, давра суҳбатлари ва семинар-тренинглар ўтказилди.

Тадбир якунида, расмий меҳмонлар билан вилоят ҳокимлиги раҳбарияти учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Учрашувда томонларнинг ҳамкорликда қилган ишлари натижаси муҳокама этилди. Таклиф ва тавсиялар тингланиб, ҳамкорлик истиқболлари тўғрисида келишиб олинди.

**Авазбек ИСРОИЛОВ.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

Маънавият

## ИСРОФ САХИЙЛИК ЭМАС, ТЕЖАШ БАХИЛЛИК ЭМАС

**Шукрлар бўлсинким, тинч, осуда юртда дориламонликда яшаяпмиз. Республика раҳбарияти муҳтарам Президенти бошчилигида халқимизнинг фаровон яшаши учун ҳамма шароитни яратиб бермоқда. Саноатни ривожлантириш баробарида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш, фермерлик ҳаракатини барқарорлаштириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда.**

*(Давоми 4-бетда).*

## МИЛЛИЙ ЛИБОС: КЎРКИМИЗ ВА ЎЗЛИГИМИЗ

**Пойтахтимизда "Миллий либос" республика мода фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда "OSIYO RAMZI" дизайнерлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда юртимизнинг 24 нафар етакчи ва ёш дизайнерлари ўзларининг 200 га яқин либослар модели билан иштирок этмоқда.

Фестиваль доирасида стилистлар танлови, Европа ва мамлакатимиз етакчи мутахассислари ва дизайнерлари томонидан академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари учун маҳорат дарслари намойиш этилади.

**Наргиза АСАДОВА,**
**"Туркистон-пресс".**

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

Бош мақсадимиз миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, сиёсий, ижтимоий ва инсонпарварлик тамойиллари орқали миллий манфаатларни ҳимоялаш, миллий, маданий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимиз, халқимизнинг ўзига хос урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ва кўпайтиришдан иборат.

Партия ўз олдига устувор мақсад ва вазифаларни қўяр экан, унинг сиёсий қарашлари ва дастурий мақсадларига қўшиладиган барча ҳамюртларни сайловларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини янада оширишга ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган номзодларни қўллаб-қувватлашга чақиради.

**(Партияларнинг ташвиқот материалларини газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).**

## Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

# МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ИФТИХОР ТАЯНЧИ

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатни янада тараққий эттириш, ёш авлодни миллий урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ҳунармандчилик, тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш каби муҳим мақсадларга йўналтирилган сайловолди платформасини эълон қилди. Партиямиздан депутатликка кўрсатилган номзодларнинг дастури ҳам юқоридаги устувор мақсадларга ҳамоҳангдир.**

Истиқлол йилларида мамлакатимиз халқлари миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тамойиллари асосида яшаб, ягона Ватанда бир бутун халқ бўлиб эзгу мақсадлар сари дадил интилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, шу тамойиллар самараси ўлароқ, юртимиз барқарор ривожланиб бораяпти, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги ютуқларимизни жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Республика Президенти таъкидлаганидек, биз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз халқимиз томонидан эътироф этилди. "Мен ўзбекистонликман" дея баралла, ифтихор билан айтиш имконига эга бўлдик.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳаракат дастури миллий урф-одат ва анъаналарга содиқ ҳолда, эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлашга қаратилган. Жумладан, партиянинг бош мақсади миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, сиёсий, ижтимоий ва инсонпарварлик тамойиллари орқали миллий манфаатларни ҳимоялаш, миллий, маданий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимиз, халқимизнинг урф-одат, анъаналарини асраб-авайлаш ва кўпайтиришдан иборат.

Партия аъзолари ижтимоий-сиёсий соҳадаги дастурий мақсадларини амалга ошириш учун сиёсий муносабатлар тизимида миллий ғоямиз устуворлигини таъминлашга, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асосларини мустаҳкамлашга, миллати, дини ва эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча фуқароларнинг бирдамлигини мустаҳкамлашга интилади. Бу жараёнда, айниқса, халқимизнинг кўп асрлардан бери ўз-ўзини бошқариш, маҳаллий муаммоларни ҳал этиш, тарбия, ахлоқ-одоб масалаларида таянчи бўлиб келаётган маҳалла институти тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, фаолиятини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, партиямиз маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни энг муҳим вазифалардан бири деб билади. Аввало, "Юксак маънавият – енгилмас куч" эзгу ғоясини рўёбга чиқаришда миллий анъана ва қадриятларни янада мустаҳкамлаб бориш, XXI асрда юксак маънавий-интеллектуал тараққиётга эришиш учун мамлакатни модернизация қилиш ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнларини жадаллаштиришда фаол иштирок этади.

Бунинг учун, аввало, халқимизнинг маънавий юксалиши ва жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, бағрикенглик, яхшилик ва саховатпешалик каби миллий хислатларимиз тарғиботига қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Камол топаётган авлодни китобга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш, халқимиз тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган босмахона ва нашриётларни иқтисодий рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар бериш, ижодий ташкилот, нашриёт ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш жоиз.

Шубҳа йўққи, юқоридаги қатор устувор вазифаларни амалга ошириш мамлакатимизни янада ривожлантириш, жаҳон афкор оммаси олдидаги нуфузини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, халқимизнинг ўзига хос, миллий минталитетидан келиб чиқувчи қонунчиликни шакллантиради, миллий анъаналаримиз бардавомлигини таъминлайди.

**Алимжон РИСҚУЛОВ,**
**Ғаффор ШОДМОНОВ,**
**Наима ҲОШИМОВА,**
**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзолари.**

# ХАЛҚ ИШОНЧИ – ОЛИЙ БАҲО

ХДР O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

**Мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштириш жараёнлари чуқурлашган сари ҳаётимизда сиёсий партияларнинг роли ортиб бормоқда. Партиялар сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида давлат органларининг шаклланиши ва фаолиятида тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ўзбекистон бой ва нодир маданий-тарихий меросга эга. Бу мамлакатимизда улкан салоҳияти ҳозирча тўлиқ ишга солинмаган туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш имконини беради.**

Шундан келиб чиқиб, сайловолди дастуридан сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, сайёҳларга мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлиши, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматларнинг қулайлигига, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этишга қаратилган таклифлар ўрин олган.

Партиянинг беш йилга мўлжалланган дастурида касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг ҳаётда ўз ўринларини топишлари, комил инсон бўлиб вояга етишлари, уларни муносиб иш билан таъминлаш вазифаси ҳам кенг ўрин эгаллаган. Жумладан, корхона ва ташкилотлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўрта махсус маълумотга эга кадрлар тайёрлаш амалиётини ривожлантириш ва меъёрий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Юртимизда фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлиб яшашлари учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Бу масала давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда таълим олиш ва касб-ҳунар ўрганишнинг барча учун тенг, адолатли ва ижтимоий жиҳатдан мақбул тизимини янада такомиллаштириш тарафдоримиз. Жумладан, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, биринчи иш ўринларига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва оммабоп шароитлар яратиш масаласини партиямизнинг энг муҳим устувор вазифаси, деб ҳисоблаймиз.

Шундан келиб чиқиб, сайловолди дастуримизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ этиш жараёнларида унинг энг мақбул тамойилларини янада такомиллаштириш таклифи илгари сурилган. Энг муҳими, таълим муассасаларини битираётган ёшларнинг ўз мутахассисликлари бўйича доимий бандлигини таъминлаш масаласи ҳам қамраб олинган. Шу билан бирга партиямиз бепул ва имтиёзли тўловлар асосида ишлайдиган мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш масаласига ҳам эътибор қаратган.

Партиямиз аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни янада кенгайтириш ва сифатини оширишни муҳим йўналиш деб, ҳисоблайди. Шу мақсадда тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланишни таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари, айниқса, уларнинг олис қишлоқлардаги тармоғини янада кенгайтириш, жисмоний имконияти чекланган кишиларга имтиёзли асосда бериладиган дори-дармонлар рўйхатини узайтириш, фармацевтика корхоналарида уларга нарх қўйиш устидан давлат назоратини кучайтириш, дори воситалари рекламасини тақиқлаш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг сайловолди дастурида белгилаётган ғояларини амалга оширишга қатъий киришади. Шу боис партиямиз аҳоли орасига янада чуқур кириб бориш, одамларни ташвишга солаётган муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш, бу борада янги ташаббус ва лойиҳалар билан чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Партия устувор мақсад ва вазифаларни белгилар экан, ўзининг сиёсий қарашлари ва дастурий мақсадларига қўшиладиган барча ҳамюртларимизни сайловларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ижтимоий самарасини янада оширишга ҳисса қўшишга бел боғлаган номзодларни қўллаб-қувватлашга чақиради.

**Акмал УМАРАЛИЕВ,**
**Камола ХОЖИЕВА,**
**Алим ТЎЙЧИЕВ,**
**Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари.**

Қонун ва ижро

# АҲОЛИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

**Жамият бошқарувининг халқчил тизими сифатида тобора кенг жамоатчилик қизиқишини кучайтираётган маҳалла институти дунёдаги 200 дан ортиқ давлатлар ичида республикамизда ягона ҳисобланади. Сўнгги йилларда ушбу тизимга доир кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниши натижасида унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада такомиллашиб, вазифалари кўлами кенгайди. Хусусан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги янги таҳрирдаги Қонуннинг қабул қилиниши фикримиз исботидир.**




Оққўрғон туманидаги "Уста Нормат" маҳалла фуқаролар йиғинида мазкур қонунда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Маҳалла фаоллари, мутасадди ташкилот раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган учрашувда туман ҳокими ва мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолиятига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Мулоқотда таъкидланганидек, жорий йилда туман саноатини ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва мавжудларини модернизациялаш, шу орқали ишлаб чиқариш ва экспортни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишда сезиларли натижаларга эришилди. Хусусан, Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори асосида 3 миллион 78 минг АҚШ долларилик 130 та янги иш ўрнига эга 2 та лойиҳа амалга оширилди. Шунингдек, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида янги корхоналар ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 56 та ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди. Натижада, 3157 та янги иш ўринлари яратилиб, бир миллион 81 минг АҚШ долларилик товар ва хизматлар экспорти амалга оширилди.

"Уста Нормат" маҳалласида тикув цехи, сартарошхона, озиқ-овқат дўкони, компьютер хизмати ва чойхонадан иборат маҳалла гузари қурилиб, 12 нафар маҳаллий аҳоли муқим иш жойига эга бўлди. Кўчаларнинг 2 километрдан зиёдроқ қисми таъмирланиб, 100 метрга яқинига асфальт ётқизилди.

– Туман ҳокими ва мутасадди идора вакилларининг аҳоли билан бу каби учрашувлари жамият ривожи, ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ва олдини олишда жуда муҳим, – дейди маҳалла фахрийси Абдужалил Саидорипов. – Ўзбекистон ва Ибн Сино кўчаларида истиқомат қилувчи аҳоли ичимлик суви муаммосидан азият чекаётган эди. Ҳозиргина ҳокимимиздан ушбу муаммо келаси йил бартараф этилишини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик.

Мунозарали савол-жавобларга бой ошкора мулоқотда, шунингдек, маҳаллада режалаштирилган ишлар, ечимини кутаётган муаммоларга алоҳида тўхталинди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Семинар-тренинг

# ЯХШИ САМАРА БЕРАДИ

**Сўнгги йилларда таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялаш билан бирга бир нечта тилни мукаммал билишга ўргатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.**

Чирчиқ шаҳридаги 5-умумтаълим мактабида ташкил этилган семинар-тренинг чет тилларини ўқитишни янада такомиллаштириш, ўқувчиларнинг хорижий тилларни яхши ўзлаштиришларида тўгаракларнинг ўрни каби масалаларга бағишланди.

"Таълим сифатини янги босқичга кўтаришда замонавий ахборот-коммуникация ва илғор педагогик технологияларни чет тилларни ўргатиш тизимига жорий этиш", "Тўгаракларда чет тилларни ўрганишда мулоқот муҳитини шакллантириш", "Маҳорат мактаблари" фаолиятида раҳбар ва педагог ходимларнинг вазифалари" каби мавзуларда маъруза қилинди. Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги "Маҳорат мактаблари" фаолияти кўлами хусусида сўз борди.

– Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, ўқувчиларни дарсга қизиқтириш учун самарали усуллардан фойдаланиш лозим, – деди мактаб директори Лиля Жетере. – Бунда тарқатма материаллар, видеонамойишлар яхши самара беради. Бундай усул болаларда эслаб қолиш қобилиятини шакллантиради, сўз бойлигини оширади.

**Ирода МАҚСУДОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**



Учрашув

# ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ

**Қор-қировли, изғиринли қиш фаслининг ўзига яраша инжиқлиги ва ноқулайликлари талайгина. Хусусан, яхлаган кўчаларда пиёда ва машиналарнинг ҳаракатланиши қийинлашади. Айниқса, мактабгача ва мактаб ёшидаги ўйинқароқ болаларнинг кўчада яхмалак учиши вазиятни янада мураккаблаштиради.**

Шу боис, мавсумни кўнгилсиз ҳодиса ва турли ҳалокатларсиз ўтказиш мақсадида вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Режага мувофиқ, вилоятнинг барча мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида учрашувлар ўтказилмоқда. Унда, ўқувчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари, эҳтиётсизлик оқибатида юз бериши мумкин бўлган ҳодисаларнинг моҳияти тушунтирилмоқда.

Шундай учрашув Зангиота туманидаги 46-мактабгача тарбия ва 56-умумтаълим муассасаларида бўлиб ўтди.

– Ўқувчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш билан чекланиб қолмай, – дейди вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори Фарҳод Мўминжонов. – Ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ видеоролик ва лавҳаларни намойиш қилаяпмиз. Серқатнов автомобиль йўлларига яқин таълим муассасалари атрофига йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғиб этувчи паннолар, фоторадар макетларини жойлаштирганмиз.

Шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда қўшма рейдлар ўтказилиб, қоидабузар болаларнинг хулқи муҳокама қилинмоқда.

**Аваз БЕКОВ.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**



Тадбир

**Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ишчи гуруҳининг аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва шу соҳадаги тарғибот ишлари кўламини кенгайтиришга бағишланган ҳудудий йиғилишларидан бири Бекобод туманида бўлиб ўтди.**

# САЛОМАТЛИК ХУСУСИДА ФИКРЛАШИЛДИ

Унда Бекобод шаҳри, Бўка, Пискент ва Бекобод туманлари ҳокимлари ўринбосарлари – хотин-қизлар қўмиталари раислари, тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари, уларнинг оналик ва болалик масалалари бўйича ўринбосарлари, қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бўлинмалари мутахассислари, маҳалла раислари ва маслаҳатчилари иштирок этдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг "2014-2018 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш вилоят дастури тўғрисида"ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилиниб, ушбу масала юзасидан Бекобод шаҳри ва тумани тиббиёт муассасаларида амалга оширилаётган ишлар аҳволи таҳлил этилди.

Вилоят дастури ижросини таъминлаш, тиббиёт муассасаларидаги даволаш-профилактика ишларини жонлантириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш бўйича тарғибот ишларини янада кучайтириш юзасидан фикрлашиб олинди.

Йиғилишда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Каримқул БОБОҚУЛ ўғли.**

Маънавият

# ИСРОФ САХИЙЛИК ЭМАС, ТЕЖАШ БАХИЛЛИК ЭМАС

Албатта, халқимиз ҳаётини тўю маъракаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳукуматимизнинг бундай маросимларни меъёрида, ортиқча дабдабаларсиз ва исрофгарчиликсиз ўтказиш ҳақида қарори мавжуд. Бу қарорни турмушга татбиқ этиш учун Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг фатвоси ҳам бор. Гап шу қарор ва фатволарга қатъий амал қилиш, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этишда.

Тўй ва бошқа маросимларнинг энг аввали ва улуғи, никоҳ тўйидир. Никоҳ, авваламбор, покликни сақлаш ва наслни давом эттириш асосидир. У билан боғлиқ барча маросимларни ўтказишда Аллоҳнинг ноз-неъматларидан хоҳлаганча еб-ичиш, хайру эҳсон қилиш, шу билан бирга исрофгарчилик ва манманликка йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланган.

Бир донишманд: "Саховатли бўл, аммо исроф қилма, тежамкор бўл, лекин бахил бўлма" деган экан. Демак, исроф сахийликка, тежамкорлик бахилликка кирмайди. Таассуфки, айрим ҳолларда бу пурҳикмат фикрларга амал қилинмаяпти. Тўқсонинчи йилларнинг бошида никоҳ маросимларини ўтказиш бирмунча тартибга тушиб қолган эди. Лекин моддий аҳволимиз яхшилангани сари тўқликка шўхлик қиладиганлар, "Мен сендан кам эмасман", деб қарзга ботаётган кимсалар кўпайиб қолди. Яна бир вақтлардагидек, ўнталаб бир хил рангдаги "автоуловлар карвони", тўйхоналардаги ортиқча дабдабабозлик, ароқхўрлик авж олаяпти. Албатта, биз ҳам жамоатчилик билан бирга маҳалла йиғинларида, мактабдаги ота-оналар мажлисларида исрофгарчиликнинг Аллоҳ томонидан man қилинган бидъат экани, бу ишда мўътадиллик зарурлигини тушунтираяпмиз. Жоме масжидга никоҳ ўқитиш учун келаётган ёшларга насиҳатлар қилаяпмиз. Бироқ, ўрни келганда айтиш жоизки, тўй ва бошқа маросимларни ўтказишни тартибга солишда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг, кўчабошиларнинг ўрни сезилмай қолди.

Шукрлар бўлсинки, диний маросимларни меъёрида ўтказиш анча тартибга тушиб қолди. Марҳумни хотирлаш билан боғлиқ маросимлар икки баравар қисқарди. Ортиқча маросимлар (пул, рўмол тарқатиш ва ҳ.к.) тартибга тушди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: "Тўй ва бошқа маросимларни ўтказишда тежамкорликка эришиш, ортиқча манманликка йўл қўймасликдан мақсад нима?"

Биринчидан, тўй ва маросимларда сарфланадиган ортиқча маблағларни ёш келин-куёвларнинг келажак ҳаётига пойдевор яратиш, иккинчидан, аҳоли ўртасида "қўли калта", "қўли узун" деган номақбул ибораларнинг келиб чиқишига йўл қўймасликдир. Ахир Аллоҳ олдида барчамиз тенгмиз-ку!

Исроф тушунчаси кенг қамровли бўлиб, фақат тўй-маросимлардагина беҳуда сарф-харажатларга йўл қўймаслик билан чекланмайди. Аллоҳ берган сув, газ, электр энергияси каби турмуш учун зарур неъматларни ҳам тежаб ишлатиш инсоний бурчимиздир.

Биргина мисол: ер юзи аҳолисининг олтидан бир қисми тоза ичимлик сувига муҳтож. Бизда сувнинг қадрига етмаётган, ҳудабеҳуда исроф қилаётган кимсалар оз эмас.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир фуқаро исроф деган сўзнинг маъносини чуқур тушуниши, бу муқаддас динимизда ҳам қаттиқ қораланишини билиши лозим.

Мустақил диёримиздаги тўкинсочинликнинг қадрига етайлик. Машаққатлар билан топилган маблағимизни ҳуда-беҳуда орзу-ҳавасларга эмас, фарзандларимизнинг келажаги учун сарфлайлик.

**Тоҳирхон ТЎЛҚИНХОНОВ,**
**Пискент тумани "Келовчи" жоме масжиди имом-хатиби.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўргазма

# СУРАТЛАРДА АКС ЭТАР ВАТАН

**Янгийўл тумани Муқимий маҳалласида "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" мавзуида ёшлар ўртасида расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.**



Танлов якунида саноат ва технология касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Мадина Мухамедшина 1-ўринга лойиқ деб топилди. Танловнинг барча иштирокчилари ташкилий қўмитанинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Аброр УБАЙДУЛЛАЕВ.**

# АСАРЛАРИ ГЎЗАЛЛИКДАН СЎЗЛАЙДИ

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети профессори, рангтасвир ва график рассом Салпинкиди Янииснинг шахсий кўргазмаси очилди.**

Экспозициядан унинг турли йилларда яратилган 200 га яқин рангтасвир ва графика йўналишидаги асарлари жой олган. Уларда юртимиз табиатининг гўзал манзаралари, замин неъматлари, натюрмортлар, инсон гўзаллиги акс этган сиймолар, йил фасллари, айрим шаҳарларимиздаги тарихга айланган кўринишлар акс этган.

Кўргазмага, шунингдек "Тонги қуёш. Ҳожикент", "Ҳожикент. Қуйи маҳалла", "Оқтошда баҳор", "Оқтошнинг яшил гумбазлари", "Хумсонда жазирама", "Хумсон манзаралари. Тошлар. Синтетик манзара", "Чимён тоғи этаклари", "Тоғдаги қишлоқ. Чимён", "Чорбоғ. Ёнаётган адирлар", "Кечки Чорбоғ" каби 30 га яқин асарлар қўйилган бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради.

Рассом Салпинкиди Янис кўплаб республика ва халқаро кўргазмалар қатнашчиси. Ижодий фаолияти давомида 400 дан ортиқ рангтасвир ва мингга яқин график асарлар яратган. Ўзбекистон Бадиий академиясининг олтин медали ва "Дўстлик" ордени билан тақдирланган.

Кўргазма 20 декабргача давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Луқма

# КЕЛАЖАК ВА... ШАРБАТ

Алломалардан бири: "Ҳар бир сўз қалбда акс-садо бериши учун ҳаё ва латофат либосига ўранган бўлмоғи керак", деган экан. Бизга қолса, шунга қўшимча қилиб, гапда мантиқ ва тутуриқ бўлса тузук, деган бўлардик. Негаки, сўз – инсонга берилган неъматларнинг энг бебаҳосидир. Битта жўяли ибора не-не яхшиликларга йўл очгани ёки биргина ножоиз ишлатилган сўз қанча маломатлар сари бошлаганига истаганча мисол келтириш мумкин.

Бугун матбуотда, хусусан, радиоканалларда берилаётган, кўча-кўйдаги каттакон кўргазмали воситаларни эгаллаб олган рекламаларни кўрганда, эшитганда шундай мулоҳазаларга боради, киши.

Дастлаб жиддий радиоканалларимиздан бирида берилаётган мана бу мазмундаги рекламани тинглаб, ҳайрон қолдик. Ҳойнаҳой сиз ҳам эшитган чиқарсиз, банк муассасаларидан бири таъсис этган лотерея тарғиботига бағишланган бу тижорий лавҳа машҳур "Маҳаллада дув-дув гап" фильмидаги бир эпизодга тақлидан тайёрланган. Ойпошша хола тепса тебранмас, боқибеғам, ўта нозик оилавий масалаларга "оғзини ланг очиб" тураверадиган, аммо, ўлгудай содда муғамбир эрига қараб: "Вой, нага анграясиз?" дейди. Қаҳрамонлар феъл-атвори, фильм руҳи ва воқеалар ривожидан келиб чиқилса, бу лавҳа одамнинг ғашини келтирмайди. Лекин... реклама роликида эрига янги чиққан лотереядан олиб келишни тайинлаётган хотин дабдурустдан: "Вой, нага анграясиз? Оғзингизни ланг очиб ўтирмасдан боринг, чопинг!" дея фармонбардорлик қилса, ғалати эшитиларкан.

"Қовун қовундан ранг олади", деган гап бор. Бундан сал аввалроқ, кўчаларимизни "Салом Абдуҳошим, мен памилдори!" деганга ўхшаш ҳеч бир мантиққа тўғри келмайдиган "дуои-салом"лар босиб кетганди. Бунга энди кўникдик, деб турганимизда "FM" радиоканалларидан бири ҳали памперс тутишни ташламаган боғча болаларини саволга тута кетди:

– Навбат – бугунги кечамиз "қаҳрамон"ига! Хўш, Темур, катта бўлсанг ким бўласан?

Темурнинг жавоби:

– Мен катта бўлсам "ажимаржус" шарбати бўламан!

Очиғи, бошда эътибор қилмагандим. Ишдан қайтсам, беш яшар ўғлим чопқиллаб келди. Оғзи қулоғида:

– Дадажон, мен катта бўлсам "ажимаржус" шарбати бўламан!

"Бекорларни бештасини айтибсан, сен шифокор бўлишинг керак!" дедиму, ўйланиб қолдим. Тавба, бола руҳияти билан ўйнашиб бўладими? Нимани тарғиб қилаяпмиз, ўзи?

...Яхши эслаймиз, илк бор биринчи синфга борганимизда Насиба устозимиз ҳаммамизга худди шундай савол берганди. Биримиз "ўқитувчи", биримиз "журналист", яна биримиз "ҳоким" бўлгандик, ўшанда. Синфдошим Ғуломжон эса... негадир бу саволга: "Катта бўлсам, қоровул бўламан!" деб жавоб қилганди. Кўпчилик, ҳатто муаллимимиз ҳам кулиб қўйганди. Чунки, бу боланинг дадаси ўша пайтда роса ном чиқарган машҳур хўжаликнинг серҳосил боғларига қоровулчилик қиларди-да...

Алқисса, ўшандаёқ ният кетган экан-да, мана, бугун бирма-бир ниятларимиз ушалаяпти. Ғуломжон тушмагур эса... негадир сўзидан қайтмади. Барибир "ота касби"ни танлади.

Шуларни ёзиб, ташвишланиб юрганимизда бир нарса кўнгилга бироз таскин бергандек бўлди: Хайрият, "шарбатчи"ларнинг ўзлари ҳам буни тушуниб қолишган шекилли, ҳозир реклама роликидаги юқоридаги сўзлар кесиб ташланибди.

Лекин... Ойпошша хола ҳалиям жағи-жаббор бўлиб, эрига дўқ уриб ётибди-да! Шўрлик поччамиз лотереядан "Каптива" ютмагунча, қутулмайдиларов...

**Муҳаммад АЪЛО.**

Кўзгудаги ўзимиз

# ЎЗГАНИНГ ҚАЙҒУСИ

Бобомурод эски маҳалласидаги жанозага эртароқ отланди. "Айтилган вақтга тақаб борсам уят бўлар", деб ўйлади. Ўйлаганича бор, ахир ўша маҳаллада туғилиб, ўсиб-улғайган. Ҳеч бир хонадон унга бегона эмас, одамлари ўз жигаридек бўлиб кетган.

Бобомурод хонадон эгаларига ҳамдардлик билдиргач, йўлакда саф тортиб ўтирганлар қаторига қўшилди. Ҳамма жим, нигоҳлар ерга қадалган, бошлар эгик.

Бир пайт кимдир: "Бобомурод ака" деб, йўқлаб қолди. Бошини кўтариб қараса, азадор хонадонга қўшни Исоқ сувоқчи экан.

– Ака, машинангизни ҳайданг, тез банкка бориб келайлик, – амирона оҳангда буйруқ қилди сувоқчи.

Бобомурод индамай машинаси томон бораркан: "Ўлик кўмишнинг ўзи бўлармиди, пул зарурдирда, қўшни ёрдам қилаётгандир", деб ўйлади.

Йўл-йўлакай Исоқ сувоқчи тушунтирди:

– Ака, олдин банкка борамиз. Пластикка пул туширгач, қассобхонадан гўшт оламиз, ундан чиқиб, дўкондан новвот харид қиламиз, сўнг бозорчадан патир оламиз, шу билан изимизга қайтамиз.

– Жаноза вақтигача улгурамизми ахир?

– Э, ҳали роса 40 дақиқа вақт бор, бемалол улгурамиз.

– Қизиққу, – ажабланди Бобомурод, – ҳали майит уйдан чиқмай, емишнинг ташвишими? Азадор хонадондан уч кун тутун чиқмаслиги керак-ку.

– Э, анойи экансизку, ака, ўлган энди ўлди-кетди. У овқат сўрамайди. Тирикларни ўйлаш керак. Мен ўз уйимга рўзғор қилаяпман. Азахона билан ишим йўқ. Ўлганнинг кетидан ҳеч ким эргашиб гўрга кириб кетмайди-ку. Шу келинингизнинг кўнгли анчадан буён новвот тусаяпти. Нима бало, ширинликка бошқоронғимией. Биқин гўштидан олинг деган, сомса егиси келаяпти экан. Нима қиламиз, ака, болаларнинг онаси, кўнглига қараймизда. Мана, қўшни хотин ҳали болаларим вояга етмаганку, деб ўтирмай, у ёққа кетворди...

Бобомуроднинг кўз олди қоронғилашди. Ич-ичидан отилиб чиқаётган алам бўғзига тиқилди. Нафас олиши қийинлашди. Банк олдигача зўрға етди.

Бировларнинг қайғуси баҳонасида ўз юмушларини битириб олаётганидан мамнун, оғзи гапдан бўшамаётган Исоқ сувоқчи уловдан тушаётиб, содда муғамбирликни авжига чиқарди:

– Ака, шошилинчда, паспортимни олмабман-ку. Энди озроқ кутасиз-да.

Бобомурод индамади. Машинани тезда ўнглаб, изига қайтди.

Жанозада ҳам, сўнг фотиҳахонликда ҳам қўшни Исоқ сувоқчи қорасини кўрсатмади.

**Собиржон ИНОМОВ.**

Эгрилик ҳамиша панд беради

# НАФС ҚУТҚУСИГА УЧМАНГ

**Ҳаётда била туриб эгри ишга қўл уришдан оғирроқ гуноҳ бўлмаса керак. Зеро, буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Айниқса, масъулиятли лавозимда бўла туриб, бу ишга қўл уриш жиноят саналади.**

Жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар суди чиқарган ҳукм шу хусусда бўлди. Акбар Маматқулов 2009 йил 12 майдан 2012 йилнинг 20 декабрига қадар "Magistral Gaz Servis" масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида ишлаб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб келди. "Avtogazta`minot" шўъба корхонаси ва Тошкент магистрал газ қувурлари бошқармаси мансабдор шахслари билан жиноий тил бириктириб, истеъмолчиларга газ етказиб бериш қоидалари талабларига риоя қилмай, кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилди.

Хусусан, у раҳбар сифатида жамиятда ишни ташкил этиш, газ сотиш юзасидан шартномалар тузиш ва корхонанинг иш фаолияти билан боғлиқ масалаларни қонуний ҳал этиши лозим бўлсада, афсуски, нафс қутқуси уни жиноий йўлга етаклади. Унинг била туриб қилган жиноятларидан бири шуки, Бўстонлиқ тумани давлат солиқ инспекцияси мутахассиси тузган тафтиш далолатномасига кўра, жамиятга қарашли "Autopilot" русумли газ ўлчаш тизими 2010 йилнинг 1 январидан 2013 йилнинг 1 августига қадар 381 соат мобайнида носоз ҳолатда ишлатилган. Яъни, айнан А. Маматқуловнинг раҳбарлик фаолияти даврида 6 миллион сўмдан зиёд маблағ талон-торож қилиниб, шўъба корхонага катта зарар етказилган.

Бу каби жиноятлар давом этиб, бебаҳо бойлигимиз ҳисобланган қанча-дан-қанча табиий газ мўмай даромад орттириш мақсадида йўқ қилиб юборилган.

Суд ҳайъати А. Маматқуловнинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин дилдан пушаймонлиги, қолаверса, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини инобатга олиб, унинг жиноий ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этди ва унга нисбатан Олий Мажлис Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги амнистия тўғрисидаги қарорининг тегишли бандини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдоридаги жарима жазосидан озод қилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, одил суд унинг чин маънода пушаймонлигини инобатга олиб, авф этди. Лекин, бундан қандай хулоса чиқариш, келгусида қайта жиноятга қўл урмаслик унинг виждонига ҳавола. Зеро, халқимиз бойлигига тажовузкорона муносабатда бўлиш яхшиликка олиб келмаслиги аниқ.

**Нодир МУҲАМЕДОВ,**
**республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси шахсий таркиб бўйича инспекция бошлиғи.**




## ҚОЛГАН УМРИ ҚАМОҚДА ЎТАДИ

**Хитойнинг тараққиёт ва ислоҳот ишлари давлат қўмитаси раиси ўринбосари Лю Тенан умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди.**



Мамлакат оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, бўлиб ўтган суд жараёнида ушбу амалдор йирик миқдорда пора олганликда айбланди. Суд ҳукмига кўра, собиқ амалдор тўртта компанияга ўз даромадларини кўпайтиришлари учун имкон яратиб бериб, мансабини суиистеъмол қилган.

Тергов жараёнида маълум бўлдики, айбланувчи 2002-2012 йиллар давомида турли масъул лавозимларда ишлаган чоғида учинчи шахслар манфаатини кўзлаб, мансаб вазифасини суиистеъмол қилиб, жами 35,58 миллион юан (тахминан 5,18 миллион доллар) миқдорида пора олган. Тергов ишлари 2013 йилда, Лю Тенан порахўрликда гумон қилиниб, эгаллаб турган лавозимидан олинган пайтда бошланган эди.

## ТЎФОНДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРГА ЁРДАМ

**Япония ўтган якшанба куни Филиппин архипелагига ёпирилган "Хагупит" тўфонидан зарар кўрганлар учун моддий ёрдам юборадиган бўлди.**



"Япония ҳукумати Филиппин давлати раҳбариятининг илтимосига биноан табиий офатдан жабрланганларга зарур ёрдам кўрсатишга тайёр", деди мамлакат вазирлар маҳкамаси бош котиби ўринбосари Хиросигэ Сэко. Унинг айтишича, моддий ёрдам миқдори 22 миллион иен (тахминан 184 минг доллар) бўлади.

Халқаро Қизил Хоч қўмитаси маълумотларига кўра, Филиппинга ёпирилган тўфон оқибатида камида 21 киши ҳалок бўлди. Мамлакат ҳукумати тарқатган хабарда эса ушбу табиий офатдан 2,4 миллион киши зарар кўргани, 1,7 миллион аҳоли ҳамон хавфсиз жойда яшаб тургани айтилди. Архепилагда қарийб мингта уй вайрон бўлди ёки қаттиқ шикастланди. Айрим вилоятларда электр таъминоти издан чиқди.

"Хагупит" бу йилги мавсумда Тинч океанида юзага келган 22-тўфон бўлди. Ўтган йилги "Хайян" тўфони 7 мингдан зиёд кишининг умрига зомин бўлган эди. 4 миллиондан зиёд филиппинликлар бошпаналари ва борбудларидан айрилдилар.

## БЕЛЬГИЯ ЗОБИТИ ИРОҚ АСКАРИНИ ЎҚИТАДИ

**Бельгиянинг мудофаа вазирлиги Ироқ аскарларини тайёрлаш мақсадида 50 нафар зобитни бир йил муддатга юбормоқчи.**



Қироллликнинг мудофаа идораси бошлиғи Стивен Вандепут берган баёнотда келтирилишича, ушбу режа 2015 йилда амалга ошириладиган вазифалар рўйхатига қўшиб, ҳукумат эътиборига ҳавола қилинади. Айрим маълумотларга қараганда, бельгиялик зобитлар Ироқда фронт ортини таъминлаш, разведка маълумотларини тўплаш, қўмондонлик ва назорат қилиш соҳаларида маслаҳатчи сифатида фаолият юритадилар. Бельгия мудофаа вазирлиги бу зобитларнинг Ироқ ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда тўғридан-тўғри иштирок этмаслигини таъкидлади. Шунингдек, "Суар" газетасининг ёзишича, бельгиялик зобитлар ироқлик аскарларни бевосита ўқитишда ҳам иштирок этишмайди. Негаки, Ироқ армияси ўзини қандай тутишига тўла ишонч йўқ.

## УЧ КУНЛИК МОТАМ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

**Яҳудийлар истиқоматгоҳи ва хавфсизлик девори масалалари бўйича Фаластин комиссияси бошлиғи Зиёд Абу Эйн Исроил ҳарбийлари ҳужуми натижасида олган жароҳатлари туфайли ҳалок бўлди.**



Исроил аскарлари Иордан дарёсининг ғарбий соҳилларида яшовчи яҳудийлар қароргоҳида зайтун дарахти кўчатлари экаётган Ғазо сектори аҳолисига ҳужум уюштирдилар. Ҳужум жараёнида фаластинликларга қарши кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланилди. Ҳужумга учраганлар орасида Абу Эйн ҳам бор эди. Гувоҳлар, шунингдек, исроиллик журналист ҳамда Reuters агентлиги фотомухбирининг айтишича, аскарлар Абу Эйнни обдон калтаклашгач, у ҳушидан кетган. Reuters берган маълумотга кўра, у тез ёрдам машинасида ҳалок бўлган.

Фаластин президенти Маҳмуд Аббоснинг айтишича, ҳукумат тергов ўтказиб, ушбу нохуш воқеа юзасидан зарур чора кўради. Мамлакатнинг Рамалла ва Ал-Бире шаҳарларида Абу Эйн хотираси учун уч кунлик мотам эълон қилинди.

## АХЛОҚ-ОДОБ ДОИРАСИДАН ЧИҚИБ...

**Америкалик машҳур баскетболчи Леброн британиялик олий насаб зотлар – шаҳзода Уильям ва унинг рафиқаси Кейт Миддлтон АҚШга қилган уч кунлик ташрифлари чоғида халқаро юқори доирадаги учрашувга оид ахлоқ-одоб қоидаларини бузди.**



Уильям ва Кейт АҚШ миллий баскетбол ассоциациясининг тақвимий учрашувларидан бирини бориб томоша қилишди. Ўйин якунлангач, шаҳзода ва унинг рафиқаси баскетболчиларнинг биргаликда суратга тушиш таклифини рад этмай, уларга марҳамат кўрсатишди. Суратга тушиш жараёнида баскетболчи Леброн қироллик ахлоқ-одоб тартиб-қоидаларидан бехабарлиги боис Кейт Миддлтоннинг елкасига қўлини қўйди. Бироқ, Уильям ва Кейт машҳур спортчининг бундай "ахлоқсизлиги"га ортиқча эътибор бермадилар.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ЭЪЛОНЛАР

**«AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

2014 йил 29 декабрь куни соат 11.00да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган Такрорий "Очиқ аукцион" савдосига Оққўрғон туман Суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: ФИБ Ўрта Чирчиқ туманлараро судининг 17.05.2010 ва 27.05.2011 йилги ижро варақасига асосан Оққўрғон тумани Яралиходжаев кўчаси, 53-уй манзилида жойлашган "Оққўрғон агротехсервис МТП" МЧЖда сақланаётган, 1999 й и/ч, "Магнум-8940" русумли д/р 16-40 ЕК б/б - 72 599 000 сўм. Мазкур автотранспорт воситаси сотилмай қолган тақдирда навбатдаги аукцион савдоси 2015 йил 14 январь куни соат 11:00да ўтказилади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 11.00да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан автотранспорт бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда Савдо ташкилотчисининг ХОАТБ "InfinBANK" Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: 177-96-74.

Гувоҳнома № 005148.

ООО "RUBO-KONSALT" (ИНН 206734327), зарегистрированное ИРСП хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Сахибаева, дом 28 сообщает о своей реорганизации в форме преобразования в ЧП "RUBO-KONSALT" (решение учредителя № 1 от 09.12.2014 г.) Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: (+99890) 920-59-51.

"KIDS PLAY" нодавлат таълим муассассасига 30.01.2013 йилда берилган № 006345-05 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ ҳамда муассаса номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли "AVTO DRIVE" МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-1607. Адади 7632. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45.